CC
CITY CAPITAL

«CITY CAPITAL» МЧЖ

Тошкент шаҳри, Қорасу-1, 10

Тел.: (90) 123-62-29

E-mail: a.aliboev@mail.ru

2022 йил «12» майдаги

15 - сонли

«BOSHTRANSLOYIHA» Транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти» акциядорлик жамияти Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича

ХУЛОСА

Жамият тўғрисида маълумот:

Тўлиқ номи:	• «BOSHTRANSLOYIHA» Транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти» акциядорлик жамияти
Юридик манзили:	• Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а
Телефон:	• (+998 71) 255 – 82 – 98
Электрон почта манзили (e – mail):	• info@boshtrans.uz
Банк реквизитлари:	• ҳисоб рақами: 2020 8000 0001 0625 5001, банк коди: 01098 • «Трастбанк» ХАБ Яккасарой филиали
СТИР:	• 201 052 150
Давлат рўйхати тўғрисида маълумот:	• Гувохнома рақами 000463-03, 2014 йил 10 сентябрь

Мустақил баҳоловчи ташкилот тўғрисида маълумот:

Тўлиқ номи:	• «CITY CAPITAL» масъулияти чекланган жамияти
Юридик манзили:	• Тошкент шаҳри, Қорасу-1, 10
Телефон:	• (+998 90) 123 – 62 – 29
Электрон почта манзили (e – mail):	• a.aliboev@mail.ru
Банк реквизитлари:	• ҳисоб рақами: 2020 8000 9054 4982 0001, банк коди: 01071 • «ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБ Амалиёт бошқармаси
СТИР:	• 308 959 524
Давлат рўйхати тўғрисида маълумот:	• Гувохнома рақами 1051754, 2021 йил 14 октябр

«BOSHTRANSLOYIHA» Транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти» акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулоса «CITY CAPITAL» масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланди.

«CITY CAPITAL» МЧЖ инвестиция маслахатчиси сифатида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Капитал бозорини ривожлантириш департаменти томонидан 2021 йил 19 октябрда берилган 14242 – сонли Тасдиқнома асосида амалга оширади.

2022 йил 25 апрелдаги 257570 – сонли шартномага асосан «BOSHTRANSLOYIHA» акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш ўтказилди. Мустақил баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жумладан акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш Комиссияси томонидан (2015 йил 31 декабрдаги 9 – сонли баённома) тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ амалга оширилди.

«BOSHTRANSLOYIHA» акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил холисона фикрни шакллантириш баҳолаш ўтказилишининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

«BOSHTRANSLOYIHA» акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий – таълим маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган Саволнома асосида амалга оширилди.

«CITY CAPITAL» МЧЖ фақат «BOSHTRANSLOYIHA» акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

«BOSHTRANSLOYIHA» акциядорлик жамияти тақдим этилган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончлилиги текширилмади ва эътироз билдирилмади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, «BOSHTRANSLOYIHA» акциядорлик жамияти томонидан тақдим қилинган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар Жамият корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади.

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра «BOSHTRANSLOYIHA» акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув тизимининг ҳақиқий баҳоси **943 баллни** ёки фоиз кўринишида **78,58%** ни ташкил этди ва «CITY CAPITAL» МЧЖ томонидан Жамият корпоратив бошқарув тизимига **«юқори»** даражадаги баҳо берилди, бунда баҳолаш йўналишлари қуйидаги кўринишга эга:

«BOSHTRANSLOYIHA» Транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти» акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув тизимини баҳолашнинг якуний жадвали

№	Йўналишлар	Саволлар сони	Эҳтимолли баллар		Ҳақиқий баҳо
			қуйи	юқори	
1	Корпоратив бошқарув кодексини жорий этишга тайёргарлик кўриш жараёнини баҳолаш	13	- 135	135	**135**
2	Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилинишини баҳолаш	37	- 360	360	**270**
3	Жамият ташкилий тузилмасини баҳолаш	3	- 30	30	**25**
4	Конкурс танлови ўтказилишини баҳолаш	5	- 45	45	**-5**
5	Жамият ҳисоботларини БХХС га ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ошкор қилинишини баҳолаш	3	- 50	50	**50**
6	Бошқарувнинг замонавий тизимларини жорий этилишини баҳолаш (ISO, ERP, НИОКР ва бошқалар)	5	- 55	55	**55**
7	Ахборот сиёсатини баҳолаш	5	- 170	320	**283**
8	Молиявий натижаларни баҳолаш	4	- 150	150	**150**
9	Жамият фаолиятининг бошқа йўналишларини баҳолаш	25	- 205	55	**-20**
Жами		**100**	**- 1 200**	**1 200**	**943**
Фоиз кўринишидаги якуний баҳо					**78,58%**

«CITY CAPITAL» МЧЖ
Директори в.в.б. **А.А.Алибоев**